



Истанбулда Ислом Хамкорлик Ташкилотининг (ИХТ) Helal EXPO бешинчи кўргазмаси ва Бутунжахон Халол Саммити иш бошлади, дея хабар бермоқда «Анадолу» агентлиги.

Кўргазма ва саммит Туркиянинг Президенти хомийлигида Lutfi Kirdar кўргазма-конгресс марказида бўлиб ўтмоқда. Очилиш маросимида Туркия Президенти Ражаб Тоййип Эрдўганнинг очилиш маросими муносабати билан йўллаган нутки ўқиб эшиттирилди. Хабарда мусулмонларга халол махсулотлар ва хизматларни етказиб бериш нақадар муҳимлиги ва бу соҳада ишончли платформа яратиш кераклиги алоҳида таъкидланди. Хужжатда қайд этилганидек, халол махсулотлар сертификатларини берадиган ягона марказ яратиш айти дамда жуда зарур.

Helal EXPO кўргазмаси ва саммитдан кўзланган мақсад халол савдони ривожлантириш, янги технологияларни тақдим этиш ва янги бозорларга кириб боришдир. Хабарда айтилишича, ушбу воқеалар халол секторнинг ривожланишига ёрдам беради. Саммит ва кўргазма бугун нихоясига етади ва иштирокчилар сони 7500 дан ортиқ кишини ташкил этади.